Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 11 сентябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 68 (6765)

Даъват

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар,
Билим кимда бўлса, буюклик бўлар.

Юсуф Хос Ҳожиб

Ибрат

Тошкент давлат аграр университети талабалари мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари орасида биринчи бўлиб ўз теннис кортларига эга бўлишди. Минглаб ёшлар спортнинг ана шу нафис тури билан мунтазам шуғулланишлари мумкин.

АНЪАНАВИЙ СПОРТ БАЙРАМИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Мамлакатимиз пойтахтининг энг гўзал масканларидан бири — «Юнусобод» теннис мажмуида бир ҳафта давом этган спорт байрами ниҳоясига етди. «Президент кубоги» учун учинчи марта ўтказилган анъанавий мусобақа ғолиби ва совриндорлари аниқланди.

8 сентябрь куни мазкур турнирнинг расмий ёпилиш маросими бўлди. Унда Узбекистон Президенти Ислом Каримов иштирок этиб, мусобақа қатнашчилари ва ташкилотчиларига, республикамизда теннисни ривожлантириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган мураббий ва спортчиларга самимий миннатдорлик билдирди. Мазкур анъанавий турнир мамлакатимизда теннисниг оммалашувида, спортчиларимизнинг маҳорат ва тажрибасининг ошишида беқиёс аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари турнир ғолиби Феликс Мантийяга бош соврин — «Президент кубоги»ни тантанали равишда топширди. Финал иштирокчиси Ларс Райманга ҳам совға топшириб, бу икки спортчини улкан ғалаба билан табриклади. Узбек томошабинларининг меҳрига сазовор бўлган бу икки спортчини келгуси мусобақаларда ҳам қатнашишга таклиф этди.

Кубок соҳиби Ф. Мантийя ва финал иштирокчиси Л.Райман шундай ажойиб мусобақани уюштирган ташкилотчиларга ва ўзларини кескин спорт курашларида чин дилдан қўллаб-қувватлаган томошабинларга ташаккур билдирдилар. Мусобақанинг юксак савияда ўтганидан мамнуният изҳор этиб, шу боис келгуси турнирларда ҳам қатнашишга умид билдирдилар.

Президент Ислом Каримов Фармонига кўра халқаро теннис мусобақаларининг машҳур ташкилотчиси Сассон Какшури «Дўстлик» ордени билан тақдирланган эди. Йиғилганларнинг қизғин олқишлари остида Президентимиз теннис фидойисига ана шу юксак мукофотни топширди.

— Бугун менинг ҳаётимда энг бахтли ва унутилмас кундир, — деди С. Какшури юртбошимизга миннатдорлик билдириб. — Бу мукофот мен ва жамоам учун ниҳоятда қадрлидир. У мени Узбекистонда теннисни ривожлантириш ишига янада сидқидилдан ҳисса қўшишга даъват этади.

Турнир ёпиқ деб эълон қилинади. Узбекистон Давлат мадҳияси янграйди. Мусобақа байроғи туширилади.

Томошабинлар ва спортчилар хайрлашадилар. «Яна кўришгунча хайр!» деган самимий тилаклар янграйди...

Маросимда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур турнирни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис раисининг, Бош вазирнинг ўринбосарлари, Тошкентда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

(ЎзА).

Ўзбекистон ўқувчилари халқаро олимпиадада учинчи ўринни эгаллашди.

ИСТЕЪДОДЛАР — ЭЛ БОЙЛИГИ

Мустақиллигимизнинг беш йили ичида республикамизда, хусусан, таълим тизимида катта узгаришлар рўй берди. Очиғи, эришилган ютуқларни бошқаларга нисбатан қиёслашда, таққослашда ўзимизникига ошиқча баҳо бермаймиз, беравермаймиз. Бу — аслида Шарқ педагогикаси таълимоти.

Таълимотга кўра, истеъдодлилар эл назарига ўзлари тушадилар. Улуғ байрам арафасида Туркия Республикасининг пойтахти — Анқара шаҳридаги «Сомон йўли» лицейида ҳам худди шу ҳолатни

(Давоми 2-бетда)

Суратда: математика фани бўйича Халқаро олимпиадаси совриндорлари — бронза медали соҳиблари ўз устозлари даврасида.

Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги

ИЛМИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ТАГЗАМИНИ

АҚШ элчихонасининг Узбекистон учун мўлжалланган таълим дастури амалга оширила бошлаганининг 5 йиллигига бағишланган конференция бўлиб ўтди. АҚШнинг Узбекистондаги элчихонасидан ташриф буюрган Джо Лимпрехт дастлаб ўзбек, сўнгра инглиз тилида ўз фикрини қисқача шундай баён қилди:

— АҚШнинг ижтимоий ҳаёт билан шуғулланувчи олимлари 1968 йиллдан бери собиқ иттифоқдаги кўпгина давлатлар билан илмий тадқиқотлар ўтказмоқда. Бугунги матбуот конференциясининг ўтказилишдан бош мақсад ана шу илмий алоқаларни ривожлантириш имкониятларига бир қўр назар ташлашдан иборат. «Айрекс», «Юсис,» «Акселс» ташкилотларининг маълум мақсадга йўналтирилган дастурлари янги ўқув йиллари учун мутахассислар қабул қилишни бошлади.

«Юсис» вакили Жорж Уилкокс қуйидагиларни таъкидлади:

-1997-98 йилларга мўлжалланган ўқув йили учун сенатор Хьюберт Хамфи дастури асос қилиб олинган. АҚШдаги институт, университет, коллежларда таҳсил олаётганлар учун бу дастур муҳим рол ўйнайди. Турт йўналиш — журналистик алоқалар, жамият сиёсати ва жамоатчилик маъмурияти, иқтисодий ривожланиш, банк иши ва молия, қонун ва инсон ҳуқуқи Хамфи дастурининг негизини ташкил қилади.

«Акселс» ташкилоти вакили Иброҳим Юксел инглиз тилида қуйидагиларни баён қилар экан, таржимон унинг фикрларини пешма-пеш ўзбекчага ўгириб турди:

Ҳозирги вақтда «Акселс» ташкилотининг барча илмий дастурлари мустақил давлатлар ҳамдўстлиги илмий жамоатчилигига, жумладан, Эстония, Латвия, Узбекистонга бағишланади. АҚШ информацион агентлигининг ёрдамига кўра, бизнинг дастур ҳам бир қанча йўналишларни ўз ичига олиб, тарғиб қилади. Унинг асосий хусусияти шундаки, дастурлар АҚШдаги қонунчиликни қатъий ҳимоя қилиш билан боғлиқ.

Матбуот конференциясида «Айрекс» ташкилотининг дастурлари тўғрисида ҳам фикрлар ҳавола этилди. Шунингдек, юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган «Брэдли», олимлар учун ишлаб чиқилган сенатор Фульбрайт номидаги дастур, «Эдмунд С. Маски номидаги стипендия» , «Тинчликни қўллаб-қувватлаш муносабатлари» ташкилотларининг дастурлари билан ҳам таништирилди. Америкаликларнинг МДҲ давлатлари олим, аспирант, иқтидорли ёшлар қобилиятларидан оқилона фойдаланиш учун ҳавола этилаётган бу дастурлар илмий алоқаларнинг тагзамини бўла олиш мумкин.

Матбуот конференциясида АҚШнинг илмий ташкилотлари масъул шахслари журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришди.

Мухбиримиз.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❑Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан 1996 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави тасдиқланди.

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Саудия Арабистони Подшоҳлиги савдо-саноат палатаси раиси Абдураҳмон ал-Журайсий раҳбарлигидаги шу мамлакат ишбилармонларини қабул қилди.

❑Қоровулбозорда нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши бўйича республика штабининг йиғилиши бўлди. Уни Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди. Шунингдек И. Жўрабеков Бухорода шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик қандай бораётганлиги билан танишди.

❑Россия қўшинлари эришган тинчлик битимига биноан Чеченистондан чиқиб кета бошлади. Бу жараённинг биринчи босқичида 4500 ҳарбий хизматчи бу мамлакатни тарк этиши керак эди. Россия Президентининг бу борада шошмаслик керак, деганидан сўнг бу масала мавҳумлигича қолмоқда.

❑Хитой Тайванга ўзининг тадбиркорлардан иборат биринчи делегациясини жўнатди. Улар бундан кўзланган мақсад, фақатгина икки мамлакат ўртасида иқтисодий алоқаларни яхшилаш, дейишмоқда.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир.

Одамларнинг ўзликларини чуқур англашини, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушунишини, миллий тафаккурнинг кенгайиши ва такомиллашувини, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланиши лозим. Аммо ҳануз жойларда маънавиятнинг моҳиятини, унинг олға силжишимиз, фаровон жамиятга тезроқ етишишимиздаги қимматини чуқур идрок этмаслик ҳоллари мавжуд.

Айрим катта-кичик раҳбарлар эски мустабидлик, зўравонлик мафкурасининг сарқитларидан халиғача қутула олмай, бу борада кечириб булмайдиган оқсоқлик қилиб маънавиятнинг асл моҳиятини тушуниб етмаслик туфайли унга иккинчи даражали иш сифатида қарамоқдалар. Маънавий-маърифий ишларга бўлган бундай эътиборсизлик келажаги буюк демократик, озод давлат қуришдек эзгу мақсадимиз рўёби учун мутлақо зиддир.

Маънавият соҳасида олиб бораётган ишларимизни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб ҳисобласин.

Жойларда маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бугун масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, республикамиздаги барча вазирликлар, идоралар, ташкилотлар биринчи раҳбарларининг зиммасига юклансин.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари ишини янада яхшилаш мақсадида ҳокимликлар уларни икки ой муддат ичида тегишли бино, замонавий жиҳозлар, транспорт ва техника воситалари билан таъминласинлар.

2. Ёшларимиз онгига она-Ватанга, буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун махсус таништирув саёҳатлари ташкил этиш барча ҳокимлар зиммасига юклатилсин.

Бу мақсадда ҳокимликлар ва «Маънавият ва маърифат» маркази, Маданият ишлари вазирлиги, «Узбектуризм» миллий компанияси, «Камолот» ёшлар жамғармаси тегишли тавсияларни 2 ой муддат ичида ишлаб чиқсин

(Давоми 2-бетда).

Маълумингизким, Қори Ниёзий номидаги УзПФИТИ да узлуксиз таълим тизимига янги алифбо ва имлони жорий этиш муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтганди.

Газетамизнинг 2-саҳифасида илмий-амалий анжуманнинг бу борадаги Тавсияларини эълон қилаяпмиз.

Қадриятларимиз

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ БИР ДАРСЛИГИ

Асримиз бошларида жадид намояндалари томонидан яратилган дарсликларда миллат ёшларини озодлик ва маърифат руҳида тарбиялашга кўпроқ урғу берилган эди. Албатта, бунинг ўз сабаблари мавжуд. Бу даврга келиб Туркистон чор Россияси ҳукмронлиги остида бўлиб, жадидчилик ана шу мустамлакачиликка қарши оқим сифатида майдонга келган эди. Ерлик халқнинг кўпчилиги дунёвий фанлардан бехабар эди. Бу нарса миллатнинг келажагини хавф остига қўяр эди. Ана шундай бир даврда жадидлар миллатнинг истиқлоли, маърифатга эришуви учун бирдан-бир йўл маорифни ислоҳ қилиш, мактаб-интернатлардаги ўқув-ўқитув ишларини тубдан ўзгартириш лозимлигини баралла айтдилар ҳамда амалиётда исботлашга киришдилар.

Мазкур саъй-ҳаракатларнинг дебочаси дарсликлар яратиш иши бўлди. Бу борада С. Саидазизов, Мунаввар Қори, А. Авлоний, Ҳамза сингарилар фаоллик кўрсатдилар. Самарқандда эса Беҳбудий, Ажзий, Шакурийлар қаторида Сайидаҳмад Васлий ҳам бу ишда фаол қатнашди.

Бизгача етиб келган маълумотларга кўра, у «Самарқандда 1903 йилдан очила бошлаган янги мактаблар учун бошлаб китоб бостирганлардан бири»дир (Васлий, Ҳожи Муин. «Маориф ва ўқитғучи» журнали, 1925 йил, 9-10 қўшма сонлар). Шу муаллифнинг гувоҳлик беришича, «ҳатто Самарқандда кўп вақт давом қилган 1-2 мактабнинг очилишига Васлий сабаб бўлгондур». Худди шу фикрни С. Айний «Намунаи адабиёти тожик» (Москва, 1926 й.) асарида ҳам таъкидлайди. Бундан ташқари Вадуд Маҳмуд ва Пулатжон Қаюмийлар ҳам худди шу фикрни билдирадилар.

Дарҳақиқат, Сайидаҳмад Васлий 1903 йилдаёқ тожик тилида «Баён ул-ҳуруф» деб аталган алифбо китобини бостирган эди. У узбек тилида «Адаб уд-дин» номли дарслик яратган. Бу дарслик уч бор (1910, 1911, 1916 йиллар) нашр қилинган (дарслик намунаси УзФА Абу Райҳон Беруний номли шарқшунослик институтида сақланмоқда). Мазкур дарсликка Мунаввар Қорининг ноширлик қилишиёқ унга жадидларнинг муносабатини ойдинлаштиради. Дарсликнинг 1-, 2-табъига (нашрига) Мунаввар Қори ноширлик қилган бўлса, кейинги-

(Давоми 3-бетда).

ФЕВРАЛЬ БАҲОРГА КИРСА

Йилдан-йилга баҳорнинг эртароқ кириб келиши кўпроқ фойда келтираётган экан. Бир гуруҳ АҚШ олимларининг тадқиқотларига кўра бу инсон фаолияти туфайли ер юзасида ҳаво ҳароратининг кўтарилиши билан боғлиқ экан.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

XXI АСР «ЖИП»И

Японияннинг «Исудзу» компанияси ғилдираклари ўрнига танкникидек занжир тасмалар қўйилган «Жип» автомобилларини ишлаб чиқармоқчи. Танксимон «Жип»нинг оёқлари қаттиқ пластмассадан ишланганлиги учун у шовқинсиз, соатига 70 км йўл боса олади. Баҳоси 45 минг доллар.

«ТИНЧ ДОН»НИ КИМ ЁЗГАН?

М. Шолоховнинг ёзган хатлари, 140 ёзувчи ҳамда Александр Серафимовичнинг қўлёзмаларини текширган олим Гейман Шпиро асарнинг энг эски 3-4-томларининг қўлёзмасини ҳақиқий муаллиф — А. Серафимовича тааллуқли деб айтмоқда. М. Шолохов эса аслида ёзувчи бўлмаган экан. Ҳалигача бунга Россия Жаҳон адабиёти институтининг академиклари ҳам бирор қатъий якуний муносабат билдирганларича йўқ.

ТАЛАБАЛАР ФОНДИ — 295 МЛН...

Атланта шаҳридаги учта ташкилот олимпиада ўйинларидан олинган фойда ҳисобига Эмори медицина университетига ёрдам тариқасида 295 млн. долларлик фонд тузилар.

СУТКА 25 СОАТ БЎЛАДИМИ?

АҚШ коинотшунослари ўтказган изланишларга кўра 900 млн. йил олдин сутка 18 соат бўлган экан. Яна бир-икки асрдан кейин ойнинг ердан узоқлашиши сабабли бир кун 25 соатгача чўзилиши мумкин.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Қалдирғочлар ҳаётини ҳеч кузатганмисиз? Қалдирғоч ўз полопонларини то темирқанот бўлгуничаям соч толаси билан боғлаб қўяр экан. Учирма бўлиши арафасида эса, оёғидаги ҳалиги толани олиб, оқ йўл тилар экан... Ҳайрон бўлдингиз-а? Ҳа-а, биз қалдирғочни шунчаки тилга олганимиз йўқ. Аксинча, мактабни тугатиб, мустақил ҳаётга йўлланма олувчи болаларни беихтиёр ўша қалдирғочларга қиёслагимиз келди, холос. Чунки 1991 йилда Хива туманидаги 13-ўрта мактабнинг 5 нафар битирувчиси олтин медалга сазовор бўлган эди. Ана шу ўқувчиларнинг 4 нафари — Г. Отаева, Б. Ҳайитбоева, М. Машарипов, С. Раҳмоновалар эса мазкур ўқув йилидан бошлаб қўлларида ўқитувчилик дипломи билан ўзлари таълим олган мактабга ишга келишди.

SOVG'A USTIGA SOVG'A

Ustozning otadan ham ulug'ligini ming martalab aytib chiqqanmiz. Ammo, ustoz uchun birgina maqtovning o'zi sirayam yetmaydi.

Yo'q, yo'q. Nafaqat maqtovning o'zi, aksincha bir umr ularning poyida ta'zimda bulsak ham, baribir qarzimizni uzolmaymiz.

Shunday bulsa ham Yangibozor tumani hokimligi aziz o'qituvchilarimizning ko'nglini olishda baholi qudrat harakat qiljishmoqda, intilmoqda. Yaqinda yangi o'quv yilining boshlanishi munosabati bilan ikkita o'qituvchiga shaxsiy kvartira ajratib berildi. Buyam endi hech bo'lmasa ikkita jonkuyar ustozning uyini, sermahsul umrini yanayam obod qilib yuborsa, ajab emas.

ТЕКИНГА ТУШГАН ТЕРАК

Ўзбекнинг қадим-қадим замонларданоқ қон-қонига сингиб кетган ажойиб анъанаси бор. Кимдир янги ҳовли қуриб, у ерга кўчиб киргач, биринчи қиладиган иши томорқани айлантириб терак экиш бўлади. Тўғри-да! Бунинг сираям ажабланадиган ери йўқ. Ахир, тераксиз уй-уймиди?..

Яна бир қувонтирадиган нарса шуки, бу анъана кейинги вақтларда мактабларимизга ҳам ёппасига кўчиб ўтди. Мана, Шаҳрихон туманидаги 41-ўрта мактаб теварагига ўтқазилган терак кўчатлари ҳам айни кунда қурилишга ишлатса бўладиган ҳолга келиб қолди. Аслида, бу кўчатларни етиштиргунча ўқитувчилар ҳазилакам меҳнат қилишгани йўқ. Терак ҳам, барибир фақат маржонмаржон пешона терлар эвазигагина терак бўларкан-да, ахир! Лекин, хайрият, мактаб маъмурияти ҳам бу заҳматларни холис баҳолаб, ҳозир уй-жой тикламоқчи бўлган муаллимларга теракларни паққос текинга улашяпти.

Муаллифлар: Ҳ. РУСТАМОВ, I. OLLOBERGANOV.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

ва амалга оширишга киришсин.

3. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларини истиқлол ғояларини, миллий қадриятларни теран англайдиган, фидойи, ташкилотчи, ташаббускор ходимлар билан мустаҳкамлаш учун уларнинг раҳбарлари шу йилнинг охирига қадар қайта синовдан ўтказилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ҳудудий бўлимлар раҳбарлари тегишли ҳокимликлар тавсиясига биноан «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан тайинланади.

5. Ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар» куни деб эълон қилинсин ҳамда дам олиш куни ҳисоблансин.

Бу байрамда ўтказиладиган барча тадбирлар ўқитувчилар, мураббийлар, тарбиячилар, умуман, болалар билан ишлашга, уларнинг соғлиғини ҳимоялашга, жисмонан ва руҳан соғлом камол топтиришга ўз ҳаётини бахшида этган инсонларни улуғлашга бағишлансин.

Вазирлар Маҳкамаси бу борада тегишли таклифни Олий Мажлисга киритсин.

6. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази нашри «Тафаккур» журналини жойларда кенг ёйиш учун маҳаллий ҳокимликлар унинг обунасига ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси марказнинг «Маънавият» нашриётини ташкил этиш, бу нашриётнинг ва «Тафаккур» журналининг муаллифлик қалам ҳақи миқдорларини амалдагидан ошириш масаласини кўриб чиқсин ва ҳал этсин.

8. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, унинг жойлардаги бўлимлари, хўжалик ҳисобидаги корхоналари ҳамда «Тафаккур» журнали низомида кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларга қатъий мос келадиган фаолият йўналишлари бўйича барча турдаги солиқлардан беш йил муддатга озод этилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокими зиммасига икки ой муддатда марказнинг асосий биносини миллий услубда таъмирлаш ва замонавий жиҳозлаш юклатилсин.

10. Молия вазирлиги марказга махсус аудио, видео, фото ва бошқа зарур техник ускуналар харид қилиш учун керакли миқдорда маблағ ажратсин.

11. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тузилганлиги эътиборга олинсин.

Ушбу Фармонда марказга берилаётган имтиёзлар унинг «Олтин мерос» жамғармасига ҳам таллуқли эканлиги белгилаб қўйилсин.

Вазирлар Маҳкамаси жамғармани қўллаб-қувватлаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин.

13. Оммавий ахборот воситаларига «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, унинг «Олтин мерос» жамғармаси фаолиятини кенг ёритиш, доимий махсус рукнлар очиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси марказ билан ҳамкорликда махсус «Маънавият ва маърифат» ижодий гуруҳини ташкил қилсин, мунтазам кўрсатувлар ва эшиттиришларни йўлга қўйсин.

14. Мазкур масалаларни амалга ошириш учун тегишли идоралар вакилларидан иборат махсус ишчи гуруҳи ташкил этилганлиги эътиборга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 9 сентябрь.

ИСТЕЪДОДЛАР — ЭЛ БОЙЛИГИ

(Боши 1-бетда).

кузатдик. Лицейда математика фани бўйича Халқаро олимпиада ўтказилди. Унда Югославия, Руминия, Албания, Покистон, Россия каби 21 мамлакат командалари иштирок этишди.

Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, олимпиада халқаро мезон ва талаблар даражасида юқори савияда ташкил қилинди. Ҳакамлар ҳайъати таркибига Анқара Давлат университети профессор-ўқитувчилари ҳамда ҳар бир команданинг илмий раҳбарлари киритилди.

Мамлакатимиз шарафини Республикамизда фаолият кўрсатаётган ўзбек-турк лицейлари ўқувчиларидан иборат команда муносиб ҳимоя қилди. Бугун 6 нафар ўқувчи — Азиз Солиев ва Рашид Абдуллаев (Қўқон), Иқбол Ортиқов (Фарғона), Қодир Турахонов (Наманган), Файзулла Шоҳисметов (Ангрен), Санжар Шарипов (Бухоро)ларни номманом тилга олгим келади. Чунки улар барча давлат ўқувчилари орасида учинчи ўринни эгаллашиб, бронза медаллари билан тақдирланганлари ҳаммамизни қувонтирди, қалбимизни ғурурга тўлдирди. Демак, Марказий Осиё математика мактаби давомчилари бор, дейишга тўла асослар бор.

Аслида истеъдод — эл бойлиги. Бизнинг бошқармамиз ана шу каби ақидаларга таяниб фаол иш юритмоқда. Бундан буён ҳам иқтидорлиларни қидириб топиш, уларни халқаро миқёсдаги мусобақаларга тайёрлаш, мустақил юртимиз шарафини ҳимоя қилиш биринчи галдаги, шу билан бирга бош вазифамиз бўлиб қолаверади.

Шукур ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Бир-биридан ҳурсанд, бир-биридан кўнгли тўқ одамлар учрашганда, уларнинг юзларида табассум зоҳир бўлади. Суратчи Равиль Альбеков тасвирга муҳрлаб келган мазкур самимий даврани, уларнинг ҳолатини кузатиб, шу нарса хаёлимиздан кечди. Сурат марказида турган киши — Ботир Нўғмонов. Гул тақдим қилаётганлар эса унинг шогирдлари — пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги 23-ўрта мактаб ўқитувчилари. Устознинг шогирдларидан кўнгли тўқ, шогирдлар ўз навбатида устозларидан ҳурсанд, бир умр миннатдор. Улар ҳамиша бир-бирларига эҳтиромда.

Дарвоқе, Ботир ака ўзининг бутун меҳнат фаолиятини муқаддас даргоҳга — мактабга бағишлаган инсон. Болалар етакчилигидан мактаб директорлигигача бўлган йўлни босиб ўтган мураббий. У нафақа ёшига етганига қарамасдан, 5 йилдан буён ушбу мактабда биология фанидан ёшларга сабоқ бериб келаётган эди. Яқинда мактаб жамоаси катта тантана билан устоз муаллимни нафақага кузатиб қўйди.

ШЎРЧИДАГИ ИБРАТЛИ ТАДБИР

Сурхондарёлик маорифчиларнинг ўзига хос яхши анъаналари бор. Йиғилиб қолган муаммоларнинг ечимини топишда, яхши тажрибаларни кенг ёйишда улар узаро кенгашиб иш тутадилар. Бунинг учун ҳайҳотдек мажлислар залига йиғилишиб, расмий, қуруқ нутқбозликлар қилишмайди, аксинча бирор бир мактаб ё туман ҳудудига бориб, ҳудди ўша жойдаги «жонли» муаммо ё ютуқни ўз кўзлари билан кўришади, ҳар ким ўзига керакли хулоса чиқаради.

Яқинда улар Шўрчи туманига йиғилдилар. Мактабларнинг ўқув йилига шайлиги етарлими? Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси бўйича ўқитиш учун қандай тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда? Йиғилганларнинг диққат марказида ана шу икки савол ҳукмрон эди. Уларнинг Шўрчи туманига ташриф буюришлари эса ҳудди шу муаммоларни шўрчиликлар қандай ҳал этаётганини кўриш, бу ердаги камчилик ва ютуқларни ўзларидаги аҳвол билан солиштириб, тегишли хулосалар чиқариш эди.

Узаро танишув-текширув чоғи маорифчиларда тумандаги 3,16,18-мактаблар, шунингдек «Ширинтой» болалар боғчаси катта таассурот қолдирди. Хусусан, халқ таълими аълочиси Мамадали Менгноров директорлик қилаётган 16-ўрта мактаб билан танишув қувончли бўлди. Чунки бу мактаб тўла таъмирдан чиқарилган. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларини янги ўзбек алифбоси бўйича ўқитиш учун тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек эди. Синфхоналар керакли ўқув жиҳозлари билан таъминланган, янги алифбо бўйича дарслик ва қўлланмалар зарур миқдорда келтирилган экан.

— Бошланғич синф ўқитувчиларимиз, — деди мактаб директори М. Менгноров, — вилоятда лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси бўйича малака ошириш курсларида ўқиб келишди. Тўғрисини айтсак, улар нафақат болаларни, балки катталарни ҳам эндиликда янги ўзбек алифбосига ўргатишади. Чунки қишлоғимиз аҳолисидан айни кунда мустақиллигимиз ато этган бундай хайрли янгиликка қизиқиш, ихлос жуда баланд.

Танишув-текширув сўнгида маорифчилар бир ерга йиғилишиб, бир пиёла чой устида ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

—Бу кенгашдан, — дейди Денов шаҳар халқ таълими бўлими мудири Юсуф Сафиев, — ўрганганларимни насиб бўлса, шаҳримизда ҳам йўлга қўямиз.

Лекин, айтиб қўяй, шўрчиликлар ҳам баъзи бир масалаларда биздан сабоқ олишса арзийди.

Юсуф аканинг гап охиридаги ҳазили даврага хушчақчақлик бағишлади. Қизиқ, сурхондарёлик маорифчиларнинг бу сафарги кенгаши нега айнан Шўрчи туманида бўлди? Биз ҳудди шу савол билан Шўрчи тумани халқ таълими бўлими мудири Холмўмин Норматовга мурожаат этдик.

— Бу бежиз эмас, албатта, — деди Х. Норматов, — чунки туманимиз ҳокими маорифга жуда қайишқоқ одам. У кишининг бир қанча ибратли ташаббуслари кўнгилли натижалар бермоқда. Масалан, Шўрчи тумани ҳокими Э. Шерматовнинг фармонига асосан тумандаги ҳар бир мактаб, ҳар бир боғча бирорта ишлаб чиқариш корхонасига, фирма ёки қўшма корхонага, шунингдек, жамоа хўжаликлари оталиғига топширилган. Оталиққа олган ҳомийлар ўша ўқув масканларига ҳар томонлама, жумладан, моддий маблағ масаласида яқиндан кўмак бермоқдалар. Бу жиддий топшириқни туман ҳокимининг шахсан ўзи назорат қилиб бормоқда. Мана, натижалар ёмон эмас. Шунинг учун ҳам вилоят маорифчилари бу йилги кўчма кенгашни айнан бизнинг туман тажрибаларига асосланиб ўтказишга хоҳиш билдирдилар.

Ҳа, сурхондарёлик маорифчилар Шўрчига ташриф буюриб ютқазмадилар. Зеро, узаро кенгашиб иш юритган жамоа ҳамиша ғолиб, ҳамиша мамнун.

Луқмон БЎРИХОН,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўрганамиз

ТАВСИЯЛАР

Қадимги Римда пайдо бўлиб, милоддан олдинги II асрда такомиллашган лотин алифбосидан фойдаланаётган мамлакатлар сони бизнинг давримизда етмишдан ортиқни ташкил этади. Булардан уттиздан ортиқроғи Европа, йигирмадан зиёда Осиё, яна йигирма нафари Африка ва Америка давлатларидадир.

Бизда ҳам халқ таълими тизимида лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтиш ҳаракати бошланди. Бу ишни собитқадамлик билан амалга ошириш мақсадида шу йилнинг 20 августида Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтган эди. Ана шу анжуманда «Узлуксиз таълим тизимига янги алифбо ва имлони жорий қилиш муаммолари»га доир тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу тавсиялар қоғозда қолиб кетмаслиги керак. Унинг иш дастури сифатида республикамиз миқёсида кенг тарқалиши учун газетамизда чоп этишни лозим топдик.

1. Янги алифбо ва имлони ўргатишда 1993 йилда қабул қилинган қонунга 1995 йил 6 майда киритилган қўшимчалар тўлиқ ҳисобга олиниши керак. 1993 йилги алифбо асосида 1994 ва 1995 йилнинг биринчи ярмида нашр қилинган кўрсатма ва методик қўлланмалар, турли материаллардан дарс ва машғулотларда фойдаланиш тавсия қилинмайди.

2. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги босма ва ёзма ҳарфларнинг кичик ва бош (катта) шаклларини кўрсатиш ва ёзишда 1996 йилда нашр қилинган «Алифбе» китоби, «Ҳамроҳим» ва «Совға» ўқув қўлланмалари, шунингдек, 1-синфлар учун нашр қилинган ёзув дафтарларига асосланилади. Ёзма ҳарфлар ўнг томонга 75-80 даража қия қилиб ёзилади.

3. Умумий таълим мактабларининг 1-синфларида янги алифбо ва имлога 1996-97 ўқув йилидан ўтилади. Бошқа синфларда бу иш босқичма-босқич амалга оширилиб, ўрта мактабда бу жараён 2004-2005 ўқув йилида тугалланади.

4. 1996-1997 ўқув йилида ўзбек мактабларининг 1-синфларида муқобил «Шодлик» ва «Савод» алифбе китоблари қўлланилади. Бу дарсликларнинг қайси биридан қаерда фойдаланиш кераклиги ҳақида махсус кўрсатма берилади. Мазкур китоблар билан ишлашга оид «Савод ўргатиш методикаси», «1-синфда савод дарсликлари» номли методик қўлланмалар чоп этилган, ўқитувчилар шулардан ўринли фойдалансалар, самара келтиради. «Шодлик» ва «Савод» дарсликлари ҳамда «Ҳамроҳим» ўқув қўлланмаси таҳлил-таркиб асосидаги товуш усулида ҳозирланган. Катта ёшдагилар учун аталган «Совға» ўқув қўлланмаси эса сўз-бирликлар методида ёзилган.

Ўқитувчи таҳлил-таркиб асосидаги товуш методида ҳар бир нутқ товушининг ҳарф шаклини танитиш, унинг тузилишини ва ёзилишини ўргатиш жараёнида шу товушнинг пайдо бўлиш ўрни, уни айтишда нутқ органларининг қандай ҳолатда бўлишини кўрсатиши керак. Бу эса болаларда ўзбек адабий тилидаги нутқ товушларини тўғри талаффуз қилиш малакаларини шакллантиради.

5. Мактабларда 1996-97 ўқув йилидан эътиборан бошланғич синф ўқувчилари учун «Ҳуснихат ва имло» тўгараги ташкил қилиш, мактаб педагогик кенгашларида янги алифбо ва имлони жорий қилишнинг бориши, бу соҳадаги илғор тажрибалар юзасидан маърузалар эшитиб туриш, янги алифбо ва имлони ўргатишга оид узоқ муддат фойдаланиладиган кўрсатмалар, стендлар ҳозирлаш лозим.

6. 1996-1997 ўқув йилидан 1-синфларда барча ҳужжатларни (синф йўқламаси, ўқитувчиларнинг турли режалари, синф бурчагидаги ёзувлар ва ҳоказо) турли янги алифбо ва имлода расмийлаштириш талаб қилинади.

7. Республика педагогика матбуотида «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталарида янги алифбо ва имлони ўргатиш юзасидан методик мақолалар чоп этиш, республика болалар матбуотида айрим материалларни янги алифбода бериб бориш тавсия қилинади.

8. Республика таълим методика маркази, Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда янги алифбо ва имлони ўргатиш юзасидан илмий тадқиқот олиб бориш; бошланғич синфлар, таянч мактаблар ҳамда бошқа ўқув юртлари учун кўрсатма қўлланмалар тайёрлаш ва мунтазам нашр этиш чораларини кўриш лозим.

9. А. Авлоний номидаги Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти ҳамда вилоят ва шаҳар институтларига, туман педагогика (методика) кабинетларига янги алифбо ва имлони ўргатишга оид илғор тажрибаларни оммалаштириш тавсия қилинади.

Республика илмий-амалий анжумани республика узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида янги алифбо ва имлога ўтишнинг ўзига хос тарзда амалга оширилиши зарурлигидан келиб чиқиб қуйидагиларни ҳисобга олишни тавсия қилади:

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА:

— босма кичик ва бош (катта) ҳарфларнинг шакли билан таништириш, бундай ҳарфлар ёзилган кубиклар билан сўз ва сўз шакллари тузиш;

— босма ва ёзма ҳарфларнинг андозаси устидан қалам билан чизиш, уларни бўяш каби машқларни ўтказиб бориш;

Эслатма: биринчи синф ташкил қилинган боғча-мактабларда янги алифбо ва имло одатдаги 1-синфлар дастури ва «Алифбе» китоблари асосида ўргатилади.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА:

— босма, ёзма, бош ва кичик ҳарфлар ҳақида ўқувчиларда тасаввур уйғотиш, бу ҳарф кўринишларини бир-биридан фарқлаш ва ўринли қўллаш бўйича болаларда қуникма ҳосил қилиш;

— нутқ товушининг ҳарфлар бирикмаси билан ифодаланиши, бир ҳарфнинг икки товушни ифодалаш ҳолларига кўпроқ эътибор бериш;

— ўқувчиларда ёзма ҳарфларни хуснихат қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ёзиш, имло белгилари (тутуқ, кўчиш, чизиқча)ни тўғри қўллаш малакаларини шакллантириш.

ТАЯНЧ ВА ЎРТА МАКТАБЛАРДА:

— 1996-97 ўқув йилидан 1-синфларда янги ўзбек алифбосини ўргатиш бошланди. Бу ишни кейинги ўқув йилларида қуйидаги жадвалда кўрсатилгандек давом эттириш тавсия қилинади.

Умумий таълим ўзбек мактабларининг янги алифбо ва имлога ўтиш жадвали

синфлар	ўқув йиллари	тайёрлов синфлари
1-синф	1996-1997	2-синф
2-синф	1997-1998	
3-синф	1997-1998	4-синф
4-синф	1998-1999	
5-синф	1998-1999	
6-синф	1999-2000	
7-синф	2000-2001	
8-синф	2001-2002	
9-синф	2002-2003	
10-синф	2003-2004	
11-синф	2004-2005	

Эслатмалар. 1. Умумий таълим тизимидаги 2-синфда 1996-1997 ўқув йилларида, 4-синфда 1997-1998 ўқув йилида ҳар ҳафтада 2 соатдан қўшимча дарсда янги алифбо ва имло ўрганилади; бошқа ўқув фанлари эса амалдаги алифбо ва имлода ўқитилади. Келгуси ўқув йилида эса бу синф ўқувчилари барча ўқув фанларини янги алифбо ва имлода ўрганишни давом эттирадилар.

2. Мактабни битирувчи 9-, 11-синфларда бу ишни жадвалда кўрсатилган муддатдан 2 ўқув йили аввал бошлаб, қўшимча дарс сифатида иш олиб бориш тавсия қилинади.

Янги алифбо ва имлони ўрганишда юқори синфларда «Ўқитувчи» нашриёти 1996 йилда нашр қилган «Янги алифбо ва имлони ўрганиш дастури», «Ҳамроҳим» ва «Совға» ўқув қўлланмаларига асосланиш тавсия қилинади;

— қўшимча тадбирлар натижасида таянч ва ўрта мактаб ўқувчиларининг янги имло қоидаларидан яхши хабардор бўлишлари ва бу қоидаларни амалда қўллай оладиган даражада тайёргарликка эга бўлишни таъминлашга эришиш;

— узлусиз таълимнинг мазкур босқичидаги ўқувчиларнинг кирилл ёзувида битилган турли мураккабликдаги матнларни янги алифбога қийналмай ўгира оладиган даражада тайёрланишга эришиш чораларини кўриш;

— ўқувчиларда янги алифбо ва имлони ўрганиш ҳамда қўллаш юзасидан ҳосил қилинган малакаларни аниқлашда тест усулидан фойдаланиш.

ЎҚИШ РУС, ҚОЗОҚ, ҚОРАҚАЛПОҚ ВА БОШҚА ТИЛЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МУАССАСАЛАРДА:

— мазкур мактаблар ўқувчиларининг янги ўзбек алифбосини ўрганиб олишларини таъминлаш;

— янги ўзбек алифбосини ўрганишда кирилл ёзуви билан солиштириш усулидан ўринли фойдаланишга эришиш;

— ўргатиш ишини иккала алифбода бир хил ёзиладиган ва номланадиган ҳарфлардан бошлаш, сўнгра бир хил ёзиладиган, лекин ҳар хил товушни ифодалайдиган ҳарфларга ўтиш, ниҳоят, янги алифбога хос ҳарфлар устида ишлаш тартибини жорий этиш;

— мактаб ўқувчилари учун ўзбек тили ва адабиётидан янги алифбо асосида тайёрланган дидактик ашёлар ҳозирланишини йўлга қўйиш.

ПЕДАГОГИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА:

— 1997-1998 ўқув йилидан бошлаб ўрта ва олий педагогика ўқув юртларида битирувчиларнинг истисносиз равишда янги алифбо ва имлони ўзлаштиришларини таъминлаш ва давлат имтиҳонлари ўтказилишини йўлга қўйиш;

— ўрта ва олий педагогика ўқув юртларида ўзбек тили ҳамда уни ўқитишга доир фанларнинг дастурларига янги алифбо ва имло жорий этилиши муносабати билан муайян ўзгартиришларга эришиш;

— барча факультетларда янги имло ва алифбони ўрганиш бўйича курс ҳамда назорат ишлари қўйилишини кўзда тутиш мўлжалланади.

МУАЛЛИМНИНГ КИТОБИ

Шофиркон туманидаги 13-ўрта мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси Шавкат Ҳайитов ўзининг кўп йиллик орзусига эришди. У асосан бухоролик ижодкорлар шеърлари асосида тўпланган «Мусиқа кечаси» тўплам-дастурини «Бухоро» нашриётида чоп эттирди.

Тўпламга киритилган ҳар бир шеър сатридан мусиқа оҳанги ороланиб турибди. Айниқса, «Бухоро», «Истиқлол қўшиғи», «Орзуларим», «Афғонда шаҳид кетган аскар сўзи» сингари мусиқали шеърлар тўпламга мос ва ярашиқли тушган.

Истеъдодли мусиқа муаллимининг тўплами «Китоб — офтоб» серияси да Шофиркон тумани халқ таълими бўлими хомийлигида нашр этилган.

Дилмурод ЖАББОР,
ўз мухбиримиз.

Оramиздаги одамлар

ЎҚУР БЎЛСАНГ, ЎҚ УР НАФСИНГ КЎЗИНА

Кимдир 60 ёки 70 га тўлса, у ҳақда бирор бир нарса ёзмоқчи бўлсак, одатда унинг таржимаи холини қайд этиш билан овора бўламиз. Аслида, яшаб утилган умрга вақт салмоғига қараб эмас, балки қилинган эзгу ишлар бисёрлигига қараб баҳо берилажагини ҳисобга олиб бу гал юқоридаги анъанадан воз кечамиз.

Иззат Бекмуродов — Каттақўрғон шаҳридаги тарих музейи директори. Кўп йиллар таълим муассасаларида ўқитувчи, раҳбар, туман ҳокимлигида масъул лавозимларда ишлаган. Ҳеч қачон маорифдан алоқасини узмаган. Газетхонларимиз асосан таълим-тарбия соҳаси ходимлари бўлгани учун И. Бекмуродов айрим тажрибаларини улар билан баҳам кўришни лозим топдик.

Биринчиси. 1951 йилда, яъни 25 ёшли И. Бекмуродовни Каттақўрғон шаҳридаги 4-мактабга директор этиб тайинлашди. Борса, аҳвол ачинарли. Узи етти йиллик мактаб бўлишига қарамай синфхоналар тор, ўқитувчилар хонасига ҳам синф парталари қўйилган. Бунинг устига мактаб жамоаси даставвал унинг ёшлигидан кулишди. Шунда Иззат ака ишни тез орада тугатиш мумкин бўлган ноқулайликка барҳам беришдан бошлади. Ҳар бир ўқитувчининг дарсига кириб, таҳлил қила бошлади. Керакли йўл-йўриқни кўрсатиб, ютуғи бўлса рағбатлантириб, талабни қатъий қўйди. Маълум бўлишича мактаб муаллимларининг тенг ярми олий маълумот олмаган экан. Бир йил ичида барчасини сиртдан олий ўқув юртларига киритишнинг уддасидан чиқди.

Маҳалла аҳли, колхоз раиси билан ҳамкорликда ҳашар йўли билан қўшимча синфхоналар қурилди. Мактаб ер майдони икки бараварга кўпайтирилиб, у ердан ҳосил олина бошланди. Даромад илм маскани каму кўстини тўлдиришда асосий манба бўлди. Атрофга кўплаб мевали дарахтлар ўтказилди.

— **Яқинда ўша мактабга бориб, икки нарсадан хурсанд бўлиб келдим,—** деди И. Бекмуродов. — **Олдинги ўзим ўқитган ўқувчиларим ўзингиз экиб кетган мевалардан тотиб кўринг домла, дея турли мевалардан олиб келишди. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги илгари худди шу мактабда ўқувчи эди.**

Иккинчиси. Орада 5-6 йил шаҳар ҳокимлигида ишлагач, яъни 1966 йилда Иззат акани Нагорнийдаги (ҳозир Нурбулоқ) 38-мактабга директор этиб тайинлашди. Мактабда рус ва ўзбек тилларида таълим берилиши, турли миллат вакиллари ишлашини ҳисобга олиб, туман раҳбарлари улар билан фақат И. Бекмуродов тил топиша олади, деган хулосага келганди.

И. Бекмуродов бу мактабда ҳам муаммога дуч келди. Қизиғи шундаки, ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган гуруҳларда кадрлар етишмас экан.

Ўқувчиларнинг аксарияти муносиб из қолдириш ҳаракатида бўлди. 1986 йилда нафақага чиқиш вақти ҳам келди. Бироқ уни уч ойча «авраб» юришди. Охири, нафақага чиқишдан мақсадини эшитгач, жавоб беришди. Иззат ака шунда «Каттақўрғон тарихи» китобини ёзмоқчи эканлигини айтганди. Шунда ҳам уни «сўзидан» ушлаб, шаҳар тарихи музейини тоширишди.

У ерда ҳам И. Бекмуродов қиладиган иш кўп эди. Эндигина бир жойдан иккинчисига кўчирилган музейни саранжомсаришта қилиш, янги экспонатлар топиш, уларни жойлаштириш каби ишлар бажарилди. Шунинг баробарида «Каттақўрғон тарихи» китоби ҳам ёзила бошланди. Уни Иззат ака 1996 йилда тугатиб, чоп эттирди.

Бу ишнинг тажриба эканлигини исботлаш учун бироз изоҳ беришга тўғри келади. Ҳозирда таълим тизимимизда, айниқса, география, тарих, адабиёт, санъат соҳалари бўйича ҳудудий дастурлар тузилиши кўзда тутилмоқда. И. Бекмуродов каби маҳаллий муаллифлар китоблари ва бошқа бир қанча манбалар эса бу ишни амалга оширишда асқотади.

И. Бекмуродовнинг изланишларидан яна бири тасаввуф илмининг билимдони шу пайттача деярли тилга олинмаган шоир Суфи Оллоёр ҳаёти, ижодини ўрганишдир. Бу борада шу кунгача у анчагина материаллар йиғиб, Республика телевидениесидан бир неча чиқишлар қилди.

— **Мен Каттақўрғон шаҳрига асос солган забардаст шоир Суфи Оллоёрнинг қуйидаги сатрлари ўз ҳаётим шиори бўлган десам адашмайман:**

Ўқур бўлсанг, ўқ ур
нафсинг кўзина,
Қара чин кўз билан
мусаввирина.

Албатта, бу насиҳат илм талаб этган ҳар бир ёшу қари учун бирдек қадрли.

И. Бекмуродов уз жонажон шаҳри ҳақида бир талай рисолалар яратиш баробарида ҳозирда ҳам ўқувчиларга музейда мозийдан сабоқ бериб келаяпти.

Шу кунларда ўзининг етмиш ёшини қаршилаш арафасида турган Иззат Бекмуродовнинг бу эзгу ишларига янада ривож, узларига куч-қувват, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Абдусамат РАҲИМ.

Иқтисод сабоқлари

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КРЕДИТ ТИЗИМИ

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Узбекистон Республикасининг банк тизимига, асосан, қуйидаги муассасалар киради:

1. Узбекистон Республикаси Марказий банки ва банк муассасалари (хозирда республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида бу банкнинг бўлимлари бор).

2. Узбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки.

3. Халқ банки.

4. Акция, пай асосида, шунингдек чет эл капитали иштирокида тузилган тижорат банклари, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари.

Банк, шу жумладан, чет эл банки, Узбекистон Республикасида ўз фаолиятини Узбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Лицензияда банк бажарадиган операциялар рўйхати кўрсатилади. Ана шундай банкларга Саноат—қурилиш банки, «Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Мевасабзавот банк», «Саноатгарбанк», «Авиабанк», «Тадбиркор банк», «Наманганбанк», «Геолбанк», «Саёҳатинвест», «Асака» банки ва бошқалар киради. Ҳаммаси бўлиб Республикамизда 30 дан зиёд тижорат банки бор.

Республикамиз ҳудудида банк хизматларига эҳтиёжни қондириш учун янги банклар очиш мумкин. Янги қонунда кўрсатилганидек, банклар қоида тариқасида,мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади. Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар банк муассислари бўлиши мумкин. Бунда ҳар бир акциядорнинг иштирокчилик ҳиссаси устав капиталининг ўттиз беш фоизидан ошмаслиги лозим.

Умуман, банк тижорат ташкилоти бўлиб, у асосан омонатлар қабул қилади ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ва инвестициялаш учун фойдаланади, шунингдек тўловларни амалга оширади. Учинчидан, чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ва жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш, тўртинчидан, пул маблағлари, векселлар, тўловлар, ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкасса қилади. Бешинчидан, қимматбаҳо қоғозлар чиқаради ва уларни бошқаради.

Биз юқорида Марказий банк зиммасига юклатилган энг муҳим вазифалар йўналишини санаб ўтдик. Бундан ташқари банк томонидан республикамиз пул муомаласини мустаҳкамлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилади. Марказий банкнинг муҳим фаолият йўналишларидан бири республика номида халқаро молия ташкилотларига аъзолик билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширишдир.

Узбекистон мустақил давлат сифатида халқаро майдонда истиқбол йўналишларини кўзда тутиб, республика ташкил бўлган биринчи йилдан бошлаб **Халқаро ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки барпо қилди. Бу банк, биринчидан,экспорт товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун чет эл валютасида кредитлар беради, давлат заёмлари ва кредитларидан самарали фойдаланишга қаратилган хизмат кўрсатади, иккинчидан, халқаро валюта кредит бозорлари операцияларида иштирок этади, учинчидан, ҳукуматлараро битимларнинг тўлов шартларини ишлаб чиқишда қатнашади ва бошқа вазифаларни бажаради.**

Бундан ташқари бу банк Марказий банк рухсати билан чет элларда ўз шўъба, филиалларини ва ваколатхоналарини очиши мумкин.

Яқинда Президентимизнинг аҳолининг омонатлари ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисидаги фармони омонатчилар оммаси томонидан қизғин кутиб олинди. Бу ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбир эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бу тадбир Узбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларнинг адолатли ва ҳаётий эканлигини тасдиқловчи бир воқеа бўлди. Мазкур тадбир натижасида 3 миллиондан ортиқ омонат эгаларига уларнинг 1992 йилнинг биринчи январига қадар қўйган умумий миқдори 35 миллиард сўмга тенг бўлган омонатлари индексация қилинди. Шу йилнинг 24 июлига қадар «махсус индексация» деб аталувчи ҳисоблардан аҳолига 1 миллиард сўм тўланди ва 20 миллион сўм бошқа омонат шаклларига қайтадан расмийлаштирилди.

Мазкур тадбирнинг иқтисодий аҳамияти яна шундаки, халқимизда ўз маблағларини омонат кассаларда сақлашга бўлган интилиш кучайди. Чунки омонат кассада сақланган маблағлар ҳам ишончли ва ҳам қўшимча фоиз асосида даромад олишга ёрдам беради. Айниқса, келажакда тадбиркорликни орзу қилган шахслар ўз маблағларини омонат дафтарчаларига ёзиш асосида жамғариб боришлари мумкин. Ана шундай йўналишлардан бири «Асака» ихтиросланган акционерлик тижорат банк бўлимининг ташкил қилинишидир. Яқинда республика Вазирлар Маҳкамаси аҳолига УзДЭУ автокорхонаси ишлаб чиқараётган автомобилларни сотиб олиш учун кредит бериш тартибини тасдиқлади. **Кредитлар Узбекистон Республикасининг доимий иш жойига ёки бошқа кафолатли даромад манбаларига эга ҳамда меҳнатга тўлиқ қобилияти бўлган фуқароларга яшаш жойи бўйича кредит шартномаси асосида етти йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.** Агар кредит муддатидан олдин қайтариладиган бўлса, кредит фоизи камайтирилади. Шу муносабат билан «УЗДЭУАВТО» корхонаси ишлаб чиқараётган машиналарга хизмат кўрсатувчи Асака ихтисослашган акционерлик тижорат банки «Асака» бўлими бошқарувчиси билан бўлган савол-жавоб диққатга сазовордир:

«САВОЛ»: — Харидор банкда «Автоомонат» счётини очиш учун қанча маблағ қўйиши керак.

ЖАВОБ: — Банкимиз «Автоомонат» счётида автомобиль қийматининг 35 фоизи миқдорида маблағ бўлган тақдирдагина кредит беради. Яъни автомобиль қийматининг 35 фоизини олдиндан тўлаб қўйиши мажбурийдир.

САВОЛ: — Машина олувчининг 35 фоиз миқдорида пул қўйишга имкони бўлмаса-чи?

ЖАВОБ: — Бундай тақдирда автомобиль олувчи «Автоомонат» счётини очиб, унга ойлик иш ҳақидан пул ўтказиш йўли билан маблағ йиғиб бериши мумкин. Омонатдаги маблағи машина қийматининг 35 фоизига етган тақдирда кредит олиб, автомобиль сотиб олиш имконига эга бўлади. Бу усул ҳам жуда қулайдир. Унинг счётига қўйган омонати ҳисобига фоиз ҳам кўпилиб боради.

САВОЛ: — Агар олувчининг машина қийматини бирданига тўлашга қадрати етса-чи?

ЖАВОБ: — Марҳамат, ундай ҳолда машинани белгиланган муддатда олиб кетиши мумкин» («Узбекитсон овози» газетаси, 18 июль).

Республикамизда кредитни ривожлантиришда бошқа янгиликлар ҳам ҳаётга жорий қилинмоқда.

Иқтисодий ислоҳотимизнинг муҳим талабларидан бири тадбиркорликни кенгайтиришнинг барча имкониятларидан фойдаланишдир. Бу йўналишда «Мадад» суғурта ташкилотининг ишлари намуналидир. Бу ташкилот «Бизнес фонд» ташкилоти билан бирга бошловчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, уларга кредит беради. «Мадад» суғурта ташкилоти ташкил қилинганидан бери ўтган бир йил ичида 1670 тадбиркор лойиҳасини пухта ўрганиб чиқиб, 1 миллиард 700 миллион сўмлик кредит олишлари учун уларга суғурта васиқаларини берди. Шуни айтиш керакки, бундай кредит бериш хорижий мамлакатлардаги банклардан фуқароларга кредит беришдан фарқ қилади. Бу мамлакатларда кредит олиш учун бирор арзирлик нарсани гаровга қўйиш керак. Гаровга қўйиладиган нарса бўлмаса, кредит берилмайди. Бизнинг шароитимизда гаровга қўйиладиган қимматбаҳо нарса бўлиши кредит олиш учун асос бўла олмайди. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи кишининг арзирли нарсаси бўлмаса ҳам унга кредит бериш имконияти яратилади. Кредит олган киши Бизнес фонд ҳисобидан кредит олиш билан чегараланмасдан «Мадад» суғурта ташкилоти томонидан суғурталанади. Агарда тадбиркор молмулкига табиий офатлар натижасида бирор зарар етса, суғурта ташкилоти бу зарарни қоплайди.

Ҳозирда умумий таълим мактабларида тарбияланаётган ўқувчилар келажакда тадбиркор сифатида иш олиб боришлари мумкин. Шу сабабли тадбиркорлик асослари билан уларни ҳозирдан таништириб бориш мақсадга мувофиқдир. **Масалан, «Мадад» суғурта ташкилоти ёрдами билан кредит олиш учун тўртта ҳужжат: Низом, баланс, бизнес режа ва қарзи бор ёки йўқлиги ҳақида банкнинг маълумотномаси.** Бу ҳужжатларни экспертлар таҳлил қилиб чиқадилар.

Жумладан, булажак тадбиркорларнинг қарзи йўқлиги ҳақидаги ҳужжат шунинг учун керакки, айрим тадбиркорлар банкротга учраб янги ташкилот тузиб: «Мадад»дан янги аъзо сифатида қарз олишга ҳаракат қилмоқдалар. Қарз берилгандан кейин, унинг ҳисобидан илгариги қарзларини узмоқдалар. Шу сабабли дастлаб маълумотнома талаб қилинади.

Баъзи бўлажак тадбиркорлар ҳуқуқий савиялари паст бўлганлиги туфайли чуқур мулоҳазасиз ишга киришмоқчи бўладилар. «Мадад» суғурта ташкилотининг бош директори Н. Юсуповнинг «Халқ сўзи» газетасининг шу йил 23 май сонидаги мақоласида келтирилган мисол бу ўринда характерлидир. Мақолада қайд этилишича, Тошкент атрофидан бир тадбиркор сутни қайта ишлайдиган завод қураман деб кредит олишга лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб келган. Экспертларнинг аниқлашларига кўра, мазкур тадбиркор завод қуриладиган жойнинг атрофида сут топширувчи бирорта тайинли мижози йўқ экан. Тадбиркор сутнинг литрини аҳолидан 6 сўмдан қабул қилиб олмоқчи экан. Ҳозирги шароитда қайси хўжалик ёки хонадон сутнинг литрини 6 сўмдан сотади? Вақоланки, бир литр сут дуконнинг ўзида 18-20 сўмдир. Шундай экан, тадбиркор давлат берган кредитга заводни қуриб қўйиб, нимани қайта ишлайди?» Келтирилган мисол бўлажак тадбиркорлар учун ҳуқуқий ва иқтисодий билимлар сув билан ҳаводек зарур эканлигини кўрсатади. Шу сабабли мактабларда иқтисодий таълим асосларини ўргатишда бу талабларга катта эътибор бериш зарур.

Биз юқорида келтирилган мисоллар асосида кредит муносабатлари ҳаётимизга тобора кўпроқ кириб бораётганлигини кузатишга ҳаракат қилдик. Ҳақиқатан ҳам ўтган ярим йил давомида республикамиз кредит тизими ўзига топширилган вазифаларни бажаришда айрим муваффақиятларга эришди. Айниқса, банк фаолияти электрон тизимига ўтказилганлиги бир кунда 30-35 минг тўловни қайд этиш имкониятини берди. Тижорат банклари векселлари орқали 630 миллион сўмлик турли тўловлар амалга оширилди. Лекин банклар ишида ҳали қатор камчиликлар мавжуд. Кўп ерларда касса интизоми бузилиб, нақд пул маблағлари банк кассасига кечикиб топширилмоқда. Олдиндан 15 фоиз ҳақ ундирилмай, тўловга қобилиятсиз корхона ва ташкилотларга маҳсулот жўнатилиши устидан назорат йўқ. Айрим ёмон ишлаётган корхоналар яхши ишлаётган корхоналарга қарзларини ўз вақтида тўламасликлари натижасида яхши ишлаётган корхоналар фаолиятига салбий таъсир қилаётганликлари, шунингдек айрим корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ёмон аҳволда эканлиги банкларнинг айрим шохобчаларини хўжалик корхоналари устидан назоратни пасайтириб юбораётганликларини исботлайди. Бундай камчиликлар йўл қўйилишига мавжуд сабаблардан бири банк соҳасида намунавий иш олиб бораётган олий маълумотли мутахассисларнинг ва юқори салоҳиятли ишбошиларнинг камлигидир, Республикамизда Кредит молия академиясининг ташкил қилиниши бу камчиликни баратараф қилишга яқиндан ёрдам бериши шубҳасиздир.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган республикамизнинг ярим йиллик иш якунларига бағишланган йиғилишда экспортни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Ярим йиллик экспорт 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган. Ҳукуматимиз экспортни кучайтириш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Шулардан бири экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарга солиқ тўловида енгилликлар беришдир. Экспортнинг корхона маҳсулотидаги ҳиссаси 5-10 фоиздан 30 фоизгача ташкил қилинганда фойдадан олинадиган солиқ миқдори 20 фоиздан 50 фоизгача камайтирилади. Бундан ташқари бошқа солиқлардан ҳам енгиллик бериш кўзда тутилади.

Марказий банк ва Миллий банк томонидан экспортга чиқариладиган маҳсулотларни қўпайтириш устидан назорат етарли эмас. Банк тизимига кирувчи барча банк филиаллари ва бўлимлари экспорт маҳсулотларини кўпайтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишга аҳамият беришлари керак.

Президентимиз республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида «Ҳозирги босқичда банк ва молия кредит тизимининг такомиллаштирилиши, уларнинг жаҳон даражасига етказилиши муҳим аҳамият касб этиши лозим», деб алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Ҳозирги пайтда Марказий банк ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жаҳоннинг машҳур ва кўзга кўринарли банклари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, улар сафидан ўрин олмоқда.

Узбекистон келажакда буюк давлат бўлиши учун яна қатор тадбирлар амалга оширилиши, жумладан, қўшни давлатларни темир йўл тармоқлари билан боғлаб, Тинч океанигача йўл очилиши, Орол муаммосини ҳал қилишимиз, ташқи савдони тобора ривожлантиришимиз керак. Ана шу тадбирларни амалга оширишда жаҳон банклари ўртасидаги ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу тадбирларни амалга оширишга киришилиши Узбекистон иқтисодини юксак босқичга кўтаришга ёрдам бериши шубҳасиздир.

Ҳикмат СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.
Республика Марказий банки мукофотининг совриндори.

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ БИР ДАРСЛИГИ

(Боши 1-бетда)

сига «Туркистон» кутубхонаси ноширлик вазифасини бажарган.

«Адаб уд-дин ёхуд миллий шеърлар мажмуаси» дея аталувчи ушбу дарсликка турли жанрдаги 9 та шеърий намуналар киритилган бўлиб, уларнинг ҳажми ҳам жанрига қараб турлича. Масалан, 2 та маснавий (37 байт), 2 та ғазал (27 байт)дан тортиб 24 банддан иборат мусаддасу 19 бандли таржеъбандгача мавжуд. Муаллиф ўз шеърларида иттифоқ, ҳамжиҳатлик, камтарлик, билим кабиларни улуғласа, ўз навбатида замонасидаги бошқа дарсликлардаги сингари ихтилоф, кибр, беилмлик ва шуларга ўхшаш салбий хислатларни кескин қоралайди:

Ҳар насл қавмнинг тараққийси нишон иттифоқ,
Ҳар қаю миллатнинг истиқболи шон иттифоқ.
Ёки:
Ихтилофнинг уйи ёнсун этди миллатни хароб,
Эмди обод айласун файзи омон иттифоқ.

Шоир Европа ва Шарқдаги миллат истиқболига бўлган эътиборни қиёслар экан, ўз Ватанидаги ёшлар тарбиясига, келажагига бўлган қайдликдан ғамга ботади ва бундан қутулиш чораларини излайди. Бу қолоқликдан қутулишнинг бирдан-бир йўли маърифатдир деган ҳулосага келади ҳамда «мусулмонлар равнақини таъминлайдиган бир фойдали янги дастур зарур»лигини таъкидлайди:

Оврупо аҳли айлар ҳар замон тоъмини истиқбол,
Мусулмонларда йўқтур ҳасрато, тарбияти атфол,
Ажаб мозий абас кетди, қани хайрияти аҳвол,
Ҳама масти шаробу ғафлату ҳам сарҳуши иҳмол,
Ҳудо ҳаққи биза вожиб эрур бир нафъалу дастур,
Ки, то кўзларға ўлсун равнақи шаръи набиий манзур.

Фақат бугина эмас, замонавий мактаб ҳам, унга муносиб устозлар ҳам, болалар тарбияси ҳам йўқ, миллат равнақи йўлида ҳеч ким жон қуйдирмайди, ҳар ким ўз ҳолича — шунинг учун диллар маъюс, қадлар дол:

Бизлара бир мактаби обод йўқ,
Мактабимиз вор анго устод йўқ,
Тарбияти зумраи авлод йўқ,
Оҳ, бизи дилларимиза шод йўқ,
Миллата бир равнақи мўътод йўқ,
Миллат учун навҳау фарёд йўқ,

Маълумки, жадидлар томонидан яратилган дарсликларда кўпроқ панд-насиҳат қилиниб, одоб-ахлоқ мавзуларига эътибор қаратилади. «Адаб уд-дин»га киритилган шеърларнинг барчасида маърифат, миллат, озодлик ғоялари устунлик қилади. Шунинг учун ҳам дарсликнинг дастлабки саҳифасида «бу рисола миллати исломиянинг аҳволи хозирасини энг бир маъюсона ва мустадиёна бир тариқ ила тасвир этилмиш ҳасрат ва надомат манзумаларидан иборатдур», дея таъкидланади. Дарслик ўз даврида ўқув дарслари жадвалига киритилган ва талабаларга ўқитилган. Зеро, дарсликнинг бошлама сўзи айтишича, «Макотиби ибтидоиянинг 2 нчи синфина Туркистон Муаллимлари тарафидан қабул ўлунуб дарс жадвалина киритилмишдур».

Дарсликдан намуна сифатида келтирилаётган қуйидаги маснавифларнинг ҳар иккиси содда ва болаларга тушунарли тилда ёзилган бўлиб, «янги ўқумоқ» (усули жадид — М. Ж.)ни маъқуллайди, болаларда ўқишга муҳаббат уйғотади. Умуман, Василийнинг мазкур дарсликдан ўрин олган барча асарлари ўз даври талабларига тўлиқ жавоб берган ва ўйлаймизки, замона ёшларини миллатни севиш, Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этган.

Жуманазар МЕЛИҚУЛОВ.

«МАКТАБҒА МУҲАББАТЛИК БОЛА»

Борармен эрта бирла мактабимға,
Борибон ўлтуруб ўз мансабимға.
Тўлур мактабда кўнглум шодликдан,
Бўлурман шод бу ободликдан.
Бўлур кўнглум ҳамиша шоду масрур,
Ки, сийнам файзи рабдан бўлди пурнур.
Ўқубон, ёзибон мактабда шодам,
Ўқув, ёзув учун хуш ижтиҳодам.
Ўқумоқни чунон яхши кўрармен,
Ки, ҳар дарсимда бир шейи ўрганурмен.
Ҳама ҳаммактабим кўзумға яхши,
Узук кўзиға чун лаъли Бадахши.
Одобсиз йўқдурам мактабда асло,
Адабликман ки, йўқдур манго ғавғо.
Бирор ҳаммактабим норози йўқдур,
Агарчи орқадош мактабда чўқдур.
Кўзимға яхши устодим, дилим шод,
Ки, ҳар кун офарин лутф этди устод.
Ота-онам каби устодим яхши,
Гулистон ичрадур шамшодим яхши.
Кўрармен яхши устодим бобомдан,
Не балки, яхшидур отам-онамдан.
Манго ҳар нарсаики бўлса вожиб,
Не вожиб, балки ҳар иш муносиб.
Манго ўрготодур устоди доно,
Онинг таълимидин бўлгум тавоно.
Яна яхши кўродурман китобим,
Китобимдур чироғим, офтобим,
Анинг нури ила кўнглумдадур нур,
Китобим жаннату қоғозлари ҳур.
Китобим ўқубон ҳар дам кўрармен,
Агар билмас ери бўлса сўрармен.
Манго устодим ани(нг) яхши айтур,
Кўнгул билгон сори кўб шод қайтур.
Ўқумоқдан манго ўзга равиш йўқ,
Жаҳонда ўқумоқдин яхши иш йўқ.
Ўқумоқ бирла ёзмоқ иккиси хўб,
Манго бу иккиси мақсуду марғуб.
Умид ила келурман ушбу мактаб,
Ўқув, ёзувни бергил манго ёраб.

«ЎҚУЧИ БИР БОЛА ОҒЗИДАН»

Мен бир боламен ки, ўзгинам ёш,
Ёшимга ярошоди ушбу кенгош.
Бекор юришни ташладим ман,
Янги ўқумоқни бошладим ман.
Кичкиналиги замонда ҳар кас,
Ўз бошича бир нимарса билмас.
Ёш-ёш болаларки билмаюрлар,
Мактаб сориға қадам қўюрлар.
Мактабда билурлар ҳар на лозим,
Устозға бўлсалар мулозим.
Мактаб борибон агар ўқурлар,
Кам-кам тилагонларини билурлар.
Ҳар кас мендек агар ўқурса,
Мактабга боришни яхши кўрса.
Кўрмас бу жаҳонда ғам юзини,
Ҳар ким эшитур онинг сўзини.
Мен ҳар кун мактаба кетармен,
Ҳар ўқуғонимда саъй этармен.
Ўргатса манго не нарса устод,
Жоним ила ани(нг) айларам ёд.
Ҳар кас ўқумоқни қилса пеша,
Билсун ўқуғонини ҳамиша.
Ким қилса ҳамиша саъйу такрор,
Мулло бўлур ул хўжаста кирдор.
Ман ақлими бошим узра тўплаб,
Ҳар кун кетарам ҳамиша мактаб.
Устод сўзини ёд этармен,
Саъй ила кўнглумни шод этармен.
Дарсимга ҳамиша кўшишим бор,
Мактабда мудом бу ишим бор.
Ҳақдан тиларам ҳамиша ҳожот,
Яъни ўқурам шу бул муножот:
«Ёраб манго илмни писанд эт,
Атфоллар ичра сарбаланд эт».

Василий САМАРҚАНДИЙ.

Тарбиячининг меҳрини, меҳрибонлигини ҳис қилган тақдирдагина бола боғчага талпинади. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 5-болалар боғчаси тарбияланувчилари ҳар куни эрта тонгданоқ боғчага боришга шошишади, ота-оналарини ҳам шоширишади. Чунки боғчада уларни фидойи мураббия, боғча мудираси Вилоят Азимованинг ўзлари меҳр билан қаршилаб оладилар-да!

СУРАТДА: Юнусобод туманидаги 5-болалар боғчаси мудираси Вилоят Азимова жажжиларни кутиб олаётган пайт.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

«БИНАФША»— ҚУВНОҚЛАР МАСКАНИ

Марҳамат шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли «Бинафша» боғчасига кириб борганимда жажжи болакайларнинг бири тайёра (самолёт), бири «кемасозлик» билан, кимдир гулчилик билан машғул бўлиб турганлигининг устидан чиқдим. Болалар узларига нималарнидир кашф этишмоқда эди. Ҳаёлимдан беихтиёр: «Ҳа, шундай бўлиши ҳам керак», деган фикр ўтди. Негаки, улар мустақил республикамиз келажаги учун хозирданоқ янги ихтиролар яратишни ўрганишлари нур устига аъло нурдир.

Биз бу болалар боғчасининг хоналарининг айланиб чиқиб, болларни яйраб дам олиши, етук ва соғлом авлод тарбияланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилганининг гувохи бўлдик. Уйин хоналари дид билан жиҳозланган, ётоқхоналар озода-шинам, ранг-баранг миллий ўйинчоқлар тарбиячилар назоратидаги болалар ихтиёрида. Боғчага ишнинг кузини биладиган, тажрибали, моҳир ташкилотчи, ўз ишининг жонкуяри Манзурахон Қодирова етакчилик қилмоқда.

— Ҳозир боғчамизда 4 та гуруҳ бўлиб, уларда 70 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда, — дейди мудира. Биз ота-оналарнинг фарзандларидан кўнгиллари тўқ, меҳнатлари баракали бўлиши учун астойдил меҳнат қиляпмиз.

Мудира билан болалар тарбияланаётган саранжон-сариштa хоналарни бирма-бир кўздан кечира бошладик. Ҳамма хоналарда хонаки гуллар барқ уриб ўсмоқда. Ҳар бир гуруҳда «Ота-оналар бурчаги,» «Табиат бурчаги», «Меҳнат ва гуруҳ» кутубхонаси дид билан жиҳозланган.

— Педагогик нуқтаи назардан қараганда, ҳар бир кичкинтойнинг ўзига хос фазилати бор, — дейди бўлимлар гурухи тарбиячиси Т. Абилова. Бири расм чизишни хоҳласа, иккинчиси тўп ўйнашни ёқтиради, учинчисига қўғирчоқ маъқул. Биз ҳар бир кичкинтойнинг кўнглига қараб режа тузамиз.

Ҳа, болалар меҳрибон тарбиячилари ардоғида яйраб-яшнаб тарбияланмоқдалар. Турсуной Абилова, Ҳилола Мирзаева, Нигора-хон Ураимова, Сайёрахон Сотволдиева, Манзурахон Аҳмедова, Ойдиной Абдураззоқова, Азизахон Марасулова, Шаҳнозахон Йўлдошева каби жонкуяр тарбиячилар ва меҳрибон энагалар болаларнинг иккинчи онасига айланиб қолишган.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ,
Марҳамат туманидаги 37-мактаб ўқитувчиси.

Таълим жонкуярлари

ЎЗ КАСБИНИНГ БИЛИМДОНИ

Талабалик йиллари... ТошДУ филология факультетининг ҳозирги Амир Темур хиёбонига жойлашган уч қаватли биноси. Учинчи қават бизнинг факультет жойлашган хоналардан иборат бўлганлиги учун талабаларимизни аниқ фанлар талабалари шоирлар, ёзувчилар, дейишиб, «қочириқ» қилишарди. Ҳатто «афандишунослар» ҳам дейишиб хордиқдан чиқишарди. Биз эса сўз зарларидан топиб тегишли жавоб қайтарардик. Гапнинг қисқаси, бундан 43 йиллар олдин мазкур олий ўқув даргоҳида ана шундай мунозаралар билан ўқиган эдик. Ўқиганда ҳам жаҳонга танилган профессорлар С. Долимов, Ғ. Каримов, Н. Маллаев, Т. Иброҳимов, А. Ғуломов, Ҳ. Ёқубов сингари олимлардан таълим олган эдик.

Дарвоқе, Абдуназар Шерматов сиркаси сув кўтармайдиган, ўзи яхши ўқийдиган талабалардан эди. Шу боис, ўз сўзининг устидан чиқиб, туғилган ва ўрта мактабни битирган қишлоғи Пасткичақир қишлоғига бориб ёшларга университетдан олган назарий ва амалий билимларини ўргата бошлади. Она тили ва адабиёти ҳамда ахлоқий тарбиядан ерли ўқувчиларга зўр маҳорат билан таълим бера бошлади.

У биргина ўзи ишлаётган Ховос тумани мактаблари маорифчилари орасидагина маълум ва машҳур бўлган муаллим сифатида кўзга ташланмади. Унинг намунали дарслари, ибратли методик ишлари, ахлоқ-одоби тез орада бутун вилоятга тарқалди. Унинг новаторлик билан олиб борган дарсларини кўргани ва ўргангани бошқа туманлардан, вилоятлардан ҳам филолог ўқитувчилар кела бошлади.

Абдуназар Шерматов ёшларга намунали дарс ўтиш билангина чегараланмади. У таълим-тарбия ишларини мактаб доирасида ҳам олиб борди: туман ва вилоят раҳбарлари уни мактабга директор қилиб тайинлашди. У бу ерда 20 йилдан ортиқ директорлик қилди; унинг қўлида таълим олиб, мактабни битириб кетган ёшлардан юзга яқини олий маълумотли кадрлар бўлиб етишди. Тадбиркор ўқитувчи Абдуназар Шерматов ўз касбининг билимдони, юксак дидли мактаб раҳбари сифатида эл орасида танилган экан, бу сифатлар барқарорлашувининг таъсири баракали бўлди. Шундан бўлса, керак, йирик методист ўқитувчини тумандаги ҳунар-техника билим юрти ҳамда туман қишлоқ хўжалик бўлимларида раҳбарлик лавозимларида ишлашга имкон берган эди.

Дарҳақиқат, дўстимиз, биродаримиз, Абдуназар Шерматов бугун 60 ёшга кириб, беш ўғил ва бир қизни тарбиялаб, 12 нафар набирага боболик қилаётган экан, биз курсдошлар бундан қалбимиз билан фахрланамиз.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
тарих фанлари доктори.

Восил ҚОБУЛОВ,
Омонулло ФАЙЗУЛЛАЕВ.

ҲАЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ АЛГОРИТМЛАРИ

(илмий мулоқот)

О. Ф.: — Кибернетика асосчиси Н. Винер кибернетикани бошқариш илми сифатида таърифлаб қилган. Узбекистонда бу ғояни ривожлантира бошлаб бошқаришнинг автоматик системасини (АСУни) яратишга кўп ҳаракат қилинди. раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш институтида иккаламиз ун йил кафедралар мудирлари бўлиб ёнма-ён ишладик. Биз ҳам сен билан бошқариш нима эканлигини роса тушунтирганмиз, тингловчиларга. Барибир, бошқариш нима ўзи?

В. Қ.: — Кибернетика тилида гапирсак, бирор объектни бошқариш учун унинг ҳолати ҳақида, ташқи шароити тўғрисида тўла ахборотни йиғиб, бошқарувчи системага киритиш, мақсад қўйиш, бошқариш алгоритми асосида тегишли таъсирларни белгилаш ва алоқа орқали объектга таъсир кўрсатиш керак. Буларни кибернетик система деб атайдилар. Шунинг учун ҳам бошқариш муаммоларини ҳал қилишда ахборот узатувчи алоқа тизимларини қуриш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шуни ҳам айтиш керакки, бошқарувда одам қатнашиши ёки қатнашмаслиги ҳам мумкин. Табиатда ўз-ўзини бошқариш тизими ҳам мавжуддир.

О. Ф.: — Фикримча, тизим (система) — бу шундай компонентлар мажмуасидирки, у шу таркибий қисмларнинг ўзаро таъсири ва бир-бири билан боғлиқлиги туфайли мавжуддир. Мисоллар: 1) Қуёш системаси — бундан биронта планетани олиб ташласангиз, бу система бузилади; 2) ҳокимият тизими — бундан биронта компонент (муҳим бошқармалар, чунончи, алоқа воситалари) олиб ташланса, халқ хўжалиги бузилади.

Қуйидаги ҳолларни таъкидлаб ўтмоқчиман: а) агар система ишида одам иштирок этмаса, уни идора этиш табиий бўлиб, одам фаолиятисиз бораверади; б) агар система мавжудлигида одамнинг ўрни бўлса, яъни жамиятга тегишли система бўлса, уни одам ёки одамлар идора қилади; в) биосфера системасида табиий моддалар ва ҳодисаларга одам, жамият таъсир кўрсатиши, бинобарин идора этиши мумкин.

В. Қ.: — Ўмуман гапинг тўғри. Ҳозир фанда система таҳлили деган муҳим йўналиш мавжуд. Бунда бошқариладиган системаларнинг турли хиллари таърифланади. Булар: техника, табиат, одамзот жамиятига оид системалар. Элемент схемаларидан тортиб, ҳужайра ва одамзот организми ҳам социал-иқтисодий тизимлар шулар жумласидандир.

О. Ф.: — Агар моддий объектлар системасининг динамикаси, алгоритмлари ҳақида гап кетар экан, динамиканинг барча қонунлари ва принциплари бир муайян системани ташкил қилиши маълум. Шуниси қизиқки, бу системани уч йўл билан бунед этса бўлади: 1) бир янги принцип олиб, ундан қолган қонунларни чиқариш; 2) исталган қонундан бошқа принципларни келтириб чиқариш; 3) иккала ҳолда ҳам йўл-йўлакай янги фикрлар, қоидалар, формулаларни кашф этиш мумкин. Динамиканинг барча принциплари орасида тарихий бирламчиси бу динамиканинг асосий қонунидир. Қолганлари Даламбер,Лагранж, Эйлер, Гаусс, Герц, Гамильтон, Яноби, Бергулли, Елаплас, Мопертьюн, Пувссон, Гельмгольц принциплари.

Шу маънода динамика принциплари ва қонунларига бир система деб қараб, улар орасидаги муносабатлар индукция — дедукция, анализ—цинтез, тарихийлик—мантиқийлик, формаллаштириш — идеаллаштириш, абстрактлаштириш — конкретлаштиришнинг ҳар бири алоҳида ва биргаликда ўз алгоритмига эга десак бўлар.

В. Қ.: — Албатта, бошқариш алгоритмларини тузганда, масалан, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланиш системаси тузилиши ва қўйилган мақсадга қараб тегишли қонунлардан фойдалана билиш муҳим ишдир.

О. Ф.: — Ҳозирги замонда жамият бир система сифатида тартиб, интизом, имон, эътиқод, ишонч, ҳурмат, ҳаққонийлик, меҳр-оқибат фазилатларига ниҳоятда муҳтож. Халқимизнинг абадий бу хислатлари ва орзуларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалалари идора қилишни тақозо этмоқда. Чунки ўзибуларчилик қўнгилдагидек натижа бермаслиги мумкин. Идора қилиш эса алгоритмлаштириш, тегишли алгоритмларни яратиш ва топиш вазифасини қўяди. Гап фақат математик алгоритмлаш эмас, кенг маънодаги алгоритм тушунчаси устида кетяпти. Дарҳақиқат, алгоритм тушунчаси мазмунига қуйидаги таркибий йўл-йўриқларни киритсак хато бўлмас: тартиб, усул, тадрижий жараён, жадвал, келажакнома, ибтидо-интиҳо, схема, система, автомат, қонуния, қоида, режа, буйруқ, шакллантириш, олдиндан айтиш.

Собиқ Иттифоқда қайта қуришни алгоритм қонун-қоидасига риоя қилмай туриб амалга оширмоқчи бўлинди. Натижада қўйилган масала ечилмади. Шунинг учун ҳам, ҳозир «Горбачев алгоритми» дейилган ибора матбуотда кўп ишлатиладиган бўлиб қолдики, бу ибораниг асл маъноси қайта қуриш жараёни дастурсиз, яъни ноалгоритмик экани уқтирилмоқда.

В. Қ.: — Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов асарларида мустақил Узбекистон давлати тараққиёт йўллари белгилаб берилган. Бунда марказий режалаштириш тизимидан бозор иқтисодиётига ўтаётган социал-иқтисодий система ҳақида замин фикрлар бор. Аввалло, иқтисод ҳар қандай сиёсатдан ҳоли бўлиши, социал-иқтисодий тараққиёт давлат назоратида бўлиши, бозор иқтисодиётининг босқичма-босқич утиши кўзда тутилган. Асосий мақ

ИСПАНИЯЛИК ТЕННИСЧИ ФЕЛИКС МАНТИЙЯГА НАСИБ ЭТДИ

Шундай қилиб Феликс Мантийя — «Президент кубоги» 3-Халқаро турнирининг ғолиби бўлди. Тошкентдаги халқаро мусобақанинг биринчи ракетка соҳиби испаниялик Феликс бу ерга келмасдан олдин «АТП» рейтинги бўйича 16-ўринни эгаллаб турган эди. Яқин кунларда Феликс Мантийянинг Юнусободда қўлга киритган 100 очкосини қўшиб, неча поғона юқорига кўтарилганини шу соҳа мутахассислари аниқлаб беришади. Назаримда, Феликснинг қўлга киритган бу ютуғи табиий ҳол эмас, албатта. У турнир давомида ўзининг бошқа теннисчилардан кучли ва маҳоратли спортчи эканлигини тўлиқ исботлади.

Феликс Мантийя биринчи ўйиндаёқ 19 ёшли ҳамюртимиз Темур Хонхўжаевни ҳар иккала сетда ҳам 6:1, 6:0 ҳисобида осонлик билан мағлубиятга учратди. Иккинчи даврада у кортда худди мезбондек ҳаракат қилиб, иккинчи бир спортчимиз Дмитрий Томошевични доғда қолдирди. Чорак финалда у Алберто Портес билан ўзаро беллашди. Қизиқарли учрашув Феликс Мантийя учун энг қийинларидан бири бўлди. Негаки, унинг рақиби ҳам майдонда ниҳоятда аниқ ҳаракат қилиб сал бўлмаса ютиб қўйишга оз қолди. Фақатгина ўйиннинг ўрталарида испаниялик моҳир ракетка соҳиби бор имконияти ва маҳоратини ишга солиб, ўйинни ўз фойдасига ҳал қилди.

Ярим финалда Феликсни болгариялик ёш теннисчи Орлин Станойчев кутиб турарди. Ҳа, ўша сиз ва бизга яхши таниш бўлган моҳир теннисчи Станойчев. Ўйин вақтида Орлин бир неча маротаба тажрибали Феликсни шошириб қўйди. Учрашувда Феликс Мантийя 6:2, 6:2 ҳисобида рақибидан устун келди.

ФИНАЛ

8 сентябрь куни финал ўйини бошланмасидан анча вақт илгари теннис кортидаги ўриндиқлар мухлислар билан лиқ тўлган эди. Биз бундан қувондик, албатта. Негаки, ҳозирги кунда мамлакатимизда барча спорт турлари орасида катта теннисниинг мавқеи, нуфузи футбол сингари йилдан-йилга ошиб, ҳар томонлама «Қирол спорт» турига айланиб бораяпти. Буни ўйин бошланганида бирорта ҳам бўш ўриндиқ йўқ эканлигидан ҳам билса бўлади. Бу ерга киришни истаб жой йўқлигидан ташқарида армонда қолиб кетган томошабинлар қанча эди.

Германиялик моҳир теннисчи Ларс Ройман шу кунгача барча рақиблари устидан ғалаба қозониб, Феликс Мантийя сингари «Президент кубоги» учун асосий даъвогарлардан бири эди. Қарийб бир ярим соатга чўзилган финал баҳслари томошабинларнинг қизғин олқишлари остида ўтди. Гоҳ Мантийяни, гоҳ Ларс Ройманни гулдурос қарсаклар билан қўллаб-қувватлаб турган томошабинлар бири-биридан қизиқарли ва жозибали ўйинларнинг шоҳиди бўлишди. Ўйиннинг дастлабки геймларида кучлар қарийб тенг келди. Кейинги соатларда испаниялик спорт устаси Феликс Мантийя тўла устунликка эришди ва ўзи учун энг аҳамиятли бўлган муҳим ғалабани қўлга киритди — 6:2, 6:2.



2-ўрин соҳиби Ларс Ройман.



ТАҚДИРЛАШ

Узоқ давом этган финал мусобақасини мухлислар қаторида ўтириб зўр қизиқиш билан томоша қилган Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кумуш тамғали биллур кубокни ғолиб испаниялик Феликс Мантийяга топширар экан, унга келгуси мусобақаларда омад тилади. Бу икки ўйинчини ҳам келгуси йилги турнирга таклиф этди. Феликс Мантийя ҳам ўз совринидан 1000 АҚШ долларини Узбекистонда болалар теннисини ривожлантиришга ажратганлигини таъкидлади.

Жуфтлик теннисчилар баҳсининг ғолиблари бўлган Шарыпентер (Аргентина)— Портес (Испания) ҳам Черкасов — Тилеман жуфтлигини енгиб (6:1, 6:3) тегишли совға ва совринлар билан тақдирланди.



Турнир бош супервайзери Марк Дарби (АҚШ): —«Президент кубоги» учун бўлиб ўтган учинчи халқаро турнир ўз нуфузи жиҳатидан жаҳондаги мана-ман деган турнирлардан қолишмади.

ҲОМИЙЛАРНИНГ СОВҒАСИ

Республикамизда катта теннис мусобақаларига ҳомийлик қилишни хоҳловчи корхона ва ташкилотлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу яхши, албатта. Негаки она Узбекистонимиз нуфузини ошириб бораётган спортчилар сони кўпаяди. Финал мусобақаси якунлангач, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика теннис федерацияси, «Халқ сўзи» ҳамда «Народное слово» газеталари жамоалари ғолибларни қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирлашди. Мукофотланганлар орасида ҳамюртларимиз ҳам бор эди.

ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТЛАР

Юнусобод теннис кортларида 8 кун давом этган «Президент кубоги» учун халқаро теннис мусобақалари поёнига етди. Биз фурсатдан фойдаланиб томошабин ва ўйин ташкилотчиларининг айримлари билан суҳбатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

«Президент кубоги» халқаро турнирининг бош директори, Ян Фрумен:

— Бу учинчи «Президент кубоги» мусобақалари бўлса-да, бу соҳада мақтовга лойиқ ютуқларга эришилди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда ўзбек заминида жуда ҳам кўплаб халқаро миқёсдаги мусобақалар ўтказилмоқда. Бу эса келажакда Узбекистоннинг буюк теннисчилар мамлакати бўлиб қолишига умид туғдиради.

— Бу йилги турнир кўнгилдагидек ўтди деб айта оласизми?

— Ҳа, бемалол айта оламан. Негаки, бу йил ташкилотчилик яхши бўлди. Мусобақаларнинг ташкил қилиниши ўзининг кўлами, улуғворлиги, юксак даражаси билан барча-барчани ҳайратга солди. Юнусободдаги жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган муҳташам теннис саройи, ўзбекистонлик мухлислар, юксак даражадаги сервис хизмати кўрсатилиши бизга жуда маъқул бўлди. Энг муҳими, Тошкентдаги учрашув спортчиларга Узбекистонга меҳр қўйиш, тинчлик ва барқарорлик нима эканлигини англаш имконини берди.

Тошкент Халқ хўжалиги институти ўқитувчиси Равшан Ёқубов:

— Очиғи, бу ўйинлар минбарлардан туриб кузатганларга ҳам, ойнаи жаҳон қаршисида томоша қилганларга ҳам олам-олам қувонч бағишлади. Томошабинлар орасида бу назокатли ўйиннинг кўплаб мухлиси пайдо бўлганига, келажакда улар халқаро майдонларда ўзларини кўрсатишларига ишонаман.

Улуғбек ЖУМАЕВ.
Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.



1-ўрин соҳиби Феликс Мантийя.

Хулласи...

ФАВВОРА ҲАМ ХАВФЛИ

Нижний Новгород вилоятининг Сарова шаҳрилик бир киши ўз кучукчаси билан фаввора буйида сайр қила туриб, орадан бирор соат ўтгач, қутқарувчига айланишини хаёлига келтирмаган бўлса керак. Фавворанинг салқинидан ҳузур қилиб ўтирган ҳардамхаёл оталардан бири қизини кўздан қочирди. У эса «шўлп» этиб сувга тушди-кетди. Ўзига келган ота унинг орқасидан ўзини сувга ташлади. Қизига ёрдам бериш ўрнига ўзи ёрдамга муҳтож бўлиб қолди: чўка бошлади. Биз юқорида айтиб ўтган одам ота-болани ўз кучукчаси билан фаввора чангалидан қутқариб қолди.

БУЮКЛАР ҚУЁШГА ЎХШАЙДИ

Шу боис, улардан ҳамиша узоқ юриш керак. Акс ҳолда улар сени қуйдириб юбориши мумкин. Агар масофа сақлай билсанг, кўп фойда кўрасан. Шайх Саъдий ушмундоқ доно гапларни дарж этиб кетган экан. 1968 йилда америкалик студент Кэти Маккланахен исмли қизга мактуб ёзади. Шубҳасиз, остига имзо қўяди: Билл Клинтон.

Орадан неча муддат ўтди. Бу орада студент президент бўлди. Қиз эса (ҳозир энди аёл) хатни кўтариб Клинтоннинг олдига бормади. Балки ўша дастхатни кимошди савдосига қўйди ва 9900 долларга сотиб юборди.

ЭРКАТОЙ ТИМСОҲЛАР

Бразилиянинг Парайба штати шаҳар ва қишлоқлари ўзга жойлардан фарқ қилмайди. Атрофга қарасангиз ҳамишагидек манзара: одамлар, техника... Фақатгина биргина ўзгачароқ томони бор: юқоридагилар қатори бу ерда тимсоҳлар ҳам юришади. Бемалол. Олимларнинг айтишича, бунга сабаб тимсоҳлар яшайдиган сув ҳавзаларининг ифлосланиб кетганлигидадир. Улар, айниқса, маҳаллий аэропортнинг учиш майдончаларида ғалалашиб қолишган. Шу боис, бир неча марта «техник сабабларга кўра» учиш кечиктирилди. Чунки тимсоҳлар давлат ҳимоясига олинган.

СЎНМАС МАВЗУ

Шарқий Чехиядан яқинда олинган хабар жаҳон уфологларини ҳайратга солмоқда. Бу ерда, Двур-Кралове шаҳри яқинида НУЖларнинг янги «юриши» кузатилди ҳамда видеотасвирга туширилди. Бир неча учар жисмлар ўзидан ҳаворанг ёруғлик тарқатиб, шаҳар осмонида айланиб юришган. Сўнг эса изсиз йўқолишган.

ана шунақа гаплар.

«Маърифат» газетаси жамоаси газета ходими Сурайё Шайховага онаси **Мунаввар ҲАСАНОВА** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Дунёда мўжизалар кўп. Табиатнинг ранглари минг-минг, Яратганнинг сиру синоатлари бисёр. Лекин мен бу гал Инсон умрини чинакам мўжизага қиёс қилаётирман. Шоирнинг ёзгани бор:

«Туғилганлар кўпдир,
Ўтганлар кўпдир
Лекин нега яшаганлар
оз?..

Сизнинг эса 60 йилда яшаган кунларингиз кўп бўлди. Болалигингиз ўт-оловли йиллар силсиласида чайқалиб ўтди. Кўрганларингиз, Ватан, юрт қисмати беғубор тасаввурингизда тарихнинг қонли излари бўлиб чизилди. Шу боисдандир, оқу қорани таниб, ўзингизни англаганда тарих ўқитувчиси бўлишга жазм этдингиз.

1957 йили илк бор ҳозир ўзингиз раҳбарлик қилаётган мактабда дарс ўтганингизда бу ерда эришадиган улкан-улкан ютуқларни хаёлга олгандирсиз, балки!

Орадан бир йил ўтиб, 22 яшар йигитчани тумандаги «Маданият» мактабига директор қилиб тайинлашади. Бу — аждодларимиз 12 ёшида юрт бошқарса-да, бизни оми ва қолоқ деб топтаганларга бир зарба, ёлғон тарихлар устидан тортилган чизиқ эди.

Мана, яна орадан йиллар ўтди. Бу ўтган фурсатда мактабда қанчадан-қанча улуғвор ишларни амалга оширдингиз. Мен биламан, Сиз мақтанишни ёмон кўрасиз. Жуда улкан муваффақиятларни ҳам ҳали бу камдек жим туриб қарши олаверасиз. Бу ҳақда сўрашса, ўтган ютуқларни эмас, ҳалдаги ишлардан кўпроқ гапирасиз.

Мен эса бугун Сиз босиб ўтган изларни кимлардандир сўроқлаб, мактаб тарихини титкилаб айрим саналарнигина чизгилайман:

«1976 йили мактаб фаолиятидаги ютуқлар Москвада ВДНХда (2марта) намойиш этилган. Узбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ҳам юксак баҳоланган.»

«1983 йили мактабда вилоятда биринчи бўлиб 10 нуқтада ишлайдиган ёпиқ телестудия ишга туширилган.»

«1993 йил. Блок системасида ўқитиш самаралари натижасида вилоятда биринчи бўлиб тест синови асосида мактабнинг битириш имтиҳонлари тажрибадан ўтказилади.»

(Бир мулоҳаза: Устоз! Сизнинг раҳбарлигингизда бошланган мактаб жамоасида меҳнат қилгувчи ҳар бир кишининг озми-кўпми ҳиссаси бор! Лекин раҳбарликнинг тўғри йўлга қўйилиши, мунтазам барқарор интизом, ташаббускорлик, изланиш ва тинимсиз меҳнатда ҳам гап кўп.

Лекин бир «нозик» жиҳатингизни ҳамма билади. Бу — шогирдларингиз ҳақида гапирганда тўлиб-тошиб кетишингиз. Ахир, улар билан фахрланмай бўладими? Ахир, улар Сиз заҳмат чекиб яратган умид боғларининг ҳосиласи-ку! Қанчаданқанча шогирдларингиз ўзингиз билан ёнма-ён меҳнат қилмоқда. Эл аро танилганлари ҳақида эса алоҳида айтмоқ жоиз.

УМР – МЎЪЖИЗА

(Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 1-сон лицей-интернат директори Ҳабибулло МАТЁҚУБОВга тўйхат ўрнида)

Ҳар гал Узбекистон ойнаи жаҳонида Узбекистонда хизмат кўрсатган хонанда Султонпошша Удаева куйлаганда, унинг ўқувчилик йиллари, Сизнинг ташаббусингиз билан ташкил этилган мактаб миллий ансамблида қўнғироқдек овози билан ҳаммани ҳайратга солганлари бир-бир кўзингиздан ўтади.

Ҳозирда Тошкент Педагогика илмий текшириш олийгоҳи бўлими бошлиғи, тарих фанлари номзоди Жумабой Раҳимов Сиз ҳақингизда «Менинг университетим» деб гапирганда,камтарлик билан кулиб қўясиз.

Узбекистон Олий Мажлиси депутати, Хоразм вилоят ҳокимининг биринчи муовини Ражаббой Утамов, Янгибозор туман ҳокими биринчи муовини Райимбой Шержоновлар ҳали-ҳали бирор юмушда устоз ўтитини олгани келсалар, бошингиз кўкка етади.

7 нафар фан номзодлари, колхоз раислари, врачу ўқитувчилар, ҳарбий соҳадаги раҳбарлар — қай бир шогирдларингизни эсламанг, бари ҳам эл корига бел боғлаган Сизнинг нурли изларингиздир.

Инсон боласи юрагида вужудини кўтариб, руҳини юксалтириб тургувчи бир баландлик бўлади. Сиз интилган баландлик эса боланинг — ўқувчингизнинг қалби. Ҳали қанчадан-қанча мурғак жонлар кўрган кўзларни хавас нурлари билан чақнатадиган, ҳаёт қийинчиликларига бардошли, турмуш ташвишлари пўртанасида собит тура оладиган инсон бўлиб вояга етмагунча, уларнинг кўксида пок эътиқод ва иймон Ватан тутмагунча Сизнинг ишингиз тугамайди. Тинмайсиз. Тинчимайсиз!

Устоз! Бахт дегани нима ўзи? Уни тотиб, ҳидлаб ва ё ушлаб бўлармикин? Инсоннинг бахтли эканлигини нимадан билса бўлар экан?

Менинг хаёлим минтақалари сарҳади эса бундай: яшаш фақат тириклик, нафас олиш эмас. Менимча, ўз умрида энг кўп яшаган инсон бахтлидир. Умр — мўжиза, дегани шу эмасми? Менинг ҳам яшагим келади, яшаётганларга ҳавас қилиб... устоз!

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА.
Хоразм вилояти.

«Олтин мерос» танловига

«ЁР-ЁР» АЙТСАМ КЎЗИМ ЁШЛАНАР...

— Ёр-ёр айтсам кўзимга ёш тўлади. Негалигини билмайман. Юрагимдан бир вулқон отилиб чиққандек бўлади. Илгари қиз узатиш маросимларида мени атайлаб «ёр-ёр» айтишга чақирардилар. Айтган ўланларим атрофдагиларга ҳам таъсир қилишни билганим сайин, ёр-ёр айтгим келаверади. Энди эса қаридим. Айтиб турмаганингдан кейин ёдаки бўлиб кетган ёр-ёрлар ҳам эсингдан чиқиб қоларкан. Қани, эслашга ҳаракат қилиб кўрай-чи?

Бу ҳасрат Қонич хола Бўлтакованики. У 1929 йилда туғилган. Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани марказида истиқомат қилади. Унинг ёр-ёрини оқизмай-томизмай қоғозга туширдим.

Шилдир-шилдир шувоққа сирғам тушди,
ёр-ёр,
Синамаган ерларга синглим тушди, ёр-ёр.
Синглим тушган ерларга ой бўлайин, ёр-ёр,
Куёв чеккан чилимга най бўлайин, ёр-ёр.
Синглимни урган куёвнинг қўли синсин, ёр-ёр,
Анов тоғнинг остида отанг ётир, ёр-ёр.
Оқ жўрғани юборсак келмаётир,ёр-ёр.
Отаси йўқ деманглар уят бўлар, ёр-ёр,
Отасидан акаси зиёд бўлар, ёр-ёр.
Желвир-желвир желагим ел кўтарар,ёр-ёр,
Сингилгинам нозини ёр кўтарар, ёр-ёр.
Токчадаги қайчини занг босибди, ёр-ёр,
Кетадиган синглимни ғам босибди, ёр-ёр.
Токчадаги қатиқни ким тўкибди, ёр-ёр,
Кетадиган синглимни ким сўкибди, ёр-ёр.
Кетадиган синглимни сўкмасинлар,ёр-ёр,
Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр.
Бўсағаси кумушдан уй сеники, ёр-ёр,
Дастори катта мулладан ёр сеники, ёр-ёр.
Дарёнинг нарёғида уйларингиз, ёр-ёр,
Оқариб кўринади уйларингиз, ёр-ёр,
Ипмиди-ипакмиди кийганингиз, ёр-ёр
Биздан ҳам нозикмиди севганингиз, ёр-ёр.
Дарёга тош отмангиз ботар кетар, ёр-ёр,

Узоққа қиз бермангиз олар-кетар, ёр-ёр.
Узоққа тушган қизнинг дараги йўқ, ёр-ёр,
Яқинга тушган қизнинг армони йўқ, ёр-ёр.
Дарёнинг нарёғида бир туп гўза, ёр-ёр,
Бир туп гўза тагида тилло кўза, ёр-ёр.
Тилло кўза кўтармоққа билак қайда ёр-ёр,
Йигитларман гаплашмоққа юрак қайда,
ёр-ёр...
Ой тувибди айни айвон устига, ёр-ёр.
Ёр келибди айни айвон устига, ёр-ёр,
Келса-келсин айни айвон остига, ёр-ёр...
Оқ милтиқ қора милтиқ отишайлик, ёр-ёр,
Оқ милтиқ, қора милтиқ отган отам, ёр-ёр.
Ўз қизини ёт билиб сотган отам, ёр-ёр,
Ўз қизининг жойига бодом эккан,ёр-ёр,
Бодом шохи қайрилса, болам десин, ёр-ёр.
Тоғда тойчоқ кишнайди от бўлдим деб, ёр-ёр,
Уйда синглим йиғлайди ёт бўлдим деб, ёр-ёр.
Йиғлама қиз, йиғлама, тўй сеники, ёр-ёр,
Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр.

Қонич БЎЛТАКОВАнинг ёр-ёрларини оққа кўчирувчи
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда Усмонова, Икром Искандар.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0511. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6